



“ЁШ ВЕРТЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ” СЕНТИМЕНТАЛ РОМАНИ КОМПОЗИЦИЯСИДА МАКТУБНИНГ ЎРНИ

Niyazova Munira Jumanazarovna

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent

o'zbek tili va adabiyoti universiteti

tayanch doktoranti

E-mail: niyazova_munira@bk.ru

Tel. +998972799556

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14160342>

Аннотация

Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романида, сентименталликка хос кўплаб элементлар муштарак ҳолатда келганини кузатамиз. Жумладан, **сафар, туш кўриш, бир кўришда севиб қолиш мотивлари, мактублар, ёлғизлик, изтироб, йиғи, арзиҳол, ўзга олам истаги** каби унсурларга кўра сентиментал асарлар ҳисобланади. Ушбу мақолада “Ёш Вертернинг изтироблари” романи композициясида мактубнинг ўрни, ўзбек адиблари асарларида эпистоляр жанр, яъни мактубларнинг қўлланиши ҳақида гапирилади.

Калит сўз: элегия, роман-мактуб, масофадан мулоқот қилиш, кундаликлар, мактублар композицияси

Роль письма в композиции сентиментального романа “Страдания молодого Вертера”

Аннотация


В романе Гете “Страдания молодого Вертера” мы видим, что многие элементы, характерные для сентиментальности, находятся в общем состоянии. В частности, сентиментальными произведениями по таким элементам считаются путешествия, сновидения, мотивы влюбленности с первого взгляда, письма, одиночество, тоска, причитания, арцихол, потустороннее желание. В данной статье о композиции романа “Страдания молодого Вертера” рассказывается о роли писателя, об эпистолярном жанре в творчестве узбекской знати, то есть о применении писем.

Ключевые слова: элегия, роман-письмо, дистанционное общение, дневники, переписка

The role of writing in the composition of the sentimental novel “The sufferings of Young Werther”

Abstract

In Goethe's novel “The sufferings of the Young Werther”, we see that many of the elements characteristic of sentimentality are in a general state. In





particular, sentimental works on such elements are considered to be travels, dreams, motives of falling in love at first sight, letters, loneliness, longing, lamentations, artsikhol, otherworldly desire. This article about the composition of the novel "The Torments of the Young Werther" tells about the role of the writer, about the epistolary genre in the work of the Uzbek nobility, that is, about the use of letters.

Keywords: elegy, novel-writing, remote communication, diaries, correspondence

Сентиментал насрни чўққига олиб чиққан буюк немис мутафаккири Йоханн Вольфганг Гёте (1749-1832) ўзбек китобхонларига ўзининг "Ёш Вертернинг изтироблари" (1774), "Фауст" (1774-1832), "Ғарбу Шарқ девони" (1819) каби асарлари билан яхши таниш[Э.Воҳидов таржимаси.,1972-1975;Садриддин Салим Бухорий таржимаси., 1985-1990; ЯнглишЭгамова таржимаси.,1975].У адабиётшунослик, шарқшунослик, ҳуқуқшунослик, фалсафа соҳалари билан бир қаторда, бадий адабиётнинг драма, автобиография, маърифий-роман, роман-мактуб каби турли жанрларида ҳам қалам тебратди. Уч мингдан ортиқ шеърлар, "Фауст" каби дунёга машҳур драмалар ёзди. Гётенинг наср ва назм қоришиқлигида битилган "Вилгелм Меистер" романи маърифий-таълимий характерда бўлса, муаллифи номини жаҳон миқёсида шон-шуҳратга буркаган "Ёш Вертернинг изтироблари"[Янглиш Эгамова таржимаси., 2018:159] асари роман-мактуб жанрига мансубдир. Муаллифнинг ёшлигида ёзилган мазкур роман тўла маънода сентиментал асардир."Ёш Вертернинг изтироблари" романи таржимони Янглиш Эгамова таъкидлашича: "Томас Манн роман қаҳрамонлари Лотта ва Вертерни мумтоз шеърят ва ривоятлардаги Лаура ва Петрарка, Ромео ва Жульетта, Абеляр ва Элоиза, Паоло ва Франческа сингари ишқ-муҳаббат жуфтлари қаторига қўшади."[Эгамова Я.,2018:140].

Сентименталист адабиёт вакиллари насрий асарларида эпистоляр жанр[Протопопова О.В., М.Н. Кожина., 2003](мактуб ва кундаликлар) имкониятларидан самарали фойдаланадилар.

Адабиётшунослик луғатида изоҳланишича, "Эпистоляр адабиёт – (юн. Epistole – мактуб, нома) бировга мактуб шаклида ёзилган адабий ёки публицистик асарлар. Ижодкор мактублари аввалдан (бадий ниятда) кўпчиликнинг ўқишига мўлжаллаган бадий ёки публицистик асар сифатида режалаштирилган бўлиши ҳам, унинг биров билан ёзишмалари кейинчалик ўқувчилар томонидан шундай деб қабул қилиниши ҳам





мумкин. Масофадан мулоқот қилишнинг ягона шакли бўлгани учун антик даврларда мактуб ёзишга жиддий қаралган, улар риторика қоидаларига риоя қилган ҳолда битилган. Шу боис Эпикур, Цицерон, Сенека кабиларнинг мактублари Эпистоляр адабиётнинг нодир намуналарига айланган. Ўрта асрларга келиб Фотий, Август, Лютер каби диний арбоблар мактубнинг дидактик имкониятларидан кенг фойдаланиб, ўз қавмларига турли масалаларни тушунтирганлар.


Гёте замонида келиб, Германияда сентиментал адабиёт ҳақиқатда улкан адабий-эстетик ҳодисага айланди. Гёте ўз асарини ёзишда ўзигагина маъжуд миллий манбаларга таянгани билан биргаликда, бошқа европалик ёзувчилар, хусусан, инглиз ва француз сентименталистларининг ижоди ҳам сезиларли таъсир ўтказган.

Ж.Руссонинг “Юлия ёки янги Элоиза” ҳамда Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” сентиментал романлари Руссо ва Гётенинг замондошлари туйғулар дунёсида нафис шеърятга яқинлик, инсон қалбини ҳаяжонга солишга қодир самимият, ҳаёт суръатининг жозибаси, бош қаҳрамон кечинмаларининг юқумли экани каби кўплаб хусусиятлари билан типологик уйғунлик касб этади.

И.Гёте истеъдодли, сентиментал кайфиятдаги ёш йигитнинг лирик ифодаларга бой кундаликлари шаклидан фойдаланишда болалик йилларидаёқ кучли таъсирланган асари “Юлия ёки янги Элоиза” романининг шакл ва услубига эргашади. Ифбат, севги ҳамда васваса ўртасидаги курашда ҳалок бўлувчи қаҳрамон тақдирини ифодалаш, асарни эпистоляр услубга қуришда Руссо изидан боради. Мактубларни эса, ўз даврининг миллий-ментал муаммолари, маърифий ғоялари билан зийнатлади.

Сентименталистлар элегия, роман мактуб, саёҳат кундалиги, хотиралар ва бошқа жанрларда ижод қилишди. Бу асарларда бадиий воқелик биринчи шахс тилидан баён қилинди. Сентименталист адиблар поэтик тафаккур ва тасаввурга ғов бўлувчи ҳар қандай канонларга у қадар амал қилишмас, ўз иродасига, туйғуларига кўра иш тутишарди. Композицияда эркинликка интилишар, лирик чекинишларга кўп ўрин ажратишарди.

Эпистоляр адабиётнинг ўзбек мумтоз адабиётидаги намунаси сифатида А.Навоийнинг “Муншаот” асарини келтириш мумкин. Адабиёт тараққиётининг кейинги даврларида шахслараро бевосита ёзишмалар ҳам аҳамиятини йўқотмагани ҳолда, адабий асарларни мактуб орқали ёзиш






кенг оммалашган.”[Қуронов Д.,2013 : 368]. Жумладан, француз маърифатпарвари Монтеस्कьёнинг “Форс номалари”, Ж.Ж.Руссонинг “Юлия ёки янги Элоиза”, Й.В.Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари”, Ф.Достоевскийнинг “Камбағаллар” романлари, “Ойдин тунлар” қиссаси, А.Чеховнинг “Ванка” ҳикояси, замонавий ўзбек адабиётида Ў.Умарбековнинг “Севгим-севгилим”, Ў.Ҳошимовнинг “Чўл ҳавоси”, И.Мирзонинг “Бону”, А.Йўлдошнинг “Сунбуланинг илк шанбаси” каби асарлари ҳам шу услубда битилган. Бундай асарларда эпик баён биринчи шахс тилидан олиб борилади.Кундалик ҳаётда мактуб ёзувчи мирза ва котиблар юқоридаги сингари хусусиятларни инобатга олганлар. Кейинчалик бундай талаблар бадий наср ва қисман адабий танқиднинг “очиқ хат” сингари жанрлари услубига ҳам кўчган. Одатда, мактублар композицияси хат йўлланган шахсга бўлган эҳтиром билан бошланади. Бош қисмида унинг мазмуни ва кўзланган мақсади баён қилинади. Мактуб сўнгида хулоса қисм келади. Баъзан муаллиф имзосидан сўнг ҳам айрим изоҳлар қўшилади. Мактублар публицистик ва сўзлашув услубига хос унсурлардан буткул холи бўлмайди.

Хулоса қиладиган бўлсак,эпистоляр услубнинг ўзига хос хусусиятлари ёзувчи ёхуд адабий қаҳрамоннинг ижтимоий мавқеи ва касби-кори, ёши, аҳвол-руҳияти, кўзлаган мақсад-муддаосига боғлиқ тарзда намоён бўлади.

Умуман, қаҳрамоннинг ишқий муносабати, севги изтироблари, дарди, ноласи, арзиҳоли каби ички кечинмаларни беришда мактуб энг қулай усул эканлигини таъкидлаш лозим. Бу барча сентиментал асарларга хос хусусият ҳисобланади.

Адабиётлар:

- 1.Эгамова Я. Вертер изтироблари талқини. / Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. Роман. Немис тилидан Янглиш Эгамова таржимаси. “Ўқитувчи” НМИУ – Тошкент 2018. – Б. 140.
 - 2.Қуронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 368.
 - 3.Гёте “Фауст” Э.Воҳидов таржимаси (1972-1975); “Мағрибу машриқ девони” Садриддин Салим Бухорий таржимаси (1985-1990; «Ёш Вертернинг изтироблари» романи Янглиш. Эгамова таржимаси (1975) ва б.
 4. Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. Роман. Немис тилидан Янглиш Эгамова таржимаси. “Ўқитувчи” НМИУ – Тошкент 2018. – 159 б.
- (Иқтибослар шу нашрдан олинди. М.Н.)





5. Протопопова О.В. Эпистолярный стиль // Стилистический энциклопедический словарь русского языка / М.Н. Кожина. – М.: “Флинта”, “Наука”, 2003; Седова О.Н. Эпистолярный стиль в системе функциональных стилей русского языка : научные доклады высшей школы // Филологические науки. – 1985. – № 6. – С. 57-62;
6. Фесенко О.П. Эпистолярный: жанр, стиль дискурс. // Вестник Челябинского государственного университета, 2008; Кожеко А.В. Эпистолярные жанры: традиционные и современные формы // Современные проблемы науки и образования. 2015. – № 2-3.

